

Устоз Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид «Ҳазрати Умар» жомеъ масжидига пешин намозига ташриф буюрадилар



10:55 / 24.02.2022 918

Бугун, 24 февраль куни юртимизнинг бир гуруҳ таниқли уламолари Тошкент шаҳридаги масжидларга ташриф буюриб, мўмин-мусулмонларга маърифий суҳбатлар қилиб берадилар.

Жумладан, «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжиди имом ноиби, устоз Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид Учтепа туманидаги «Ҳазрати Умар» жомеъ масжидига пешин намозига ташриф буюрадилар.

Пешин намозидан сўнг Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид илмий-маърифий суҳбатлар қилиб берадилар. Мўмин-мусулмонларимизни илмий суҳбатга таклиф этамиз.

Аллоҳ таоло ушбу суҳбатларни давомли ва манфаатли қилсин.

«Ҳазрати Умар» жомеъ масжиди манзили:

<https://goo.gl/maps/Snz956qQWn2xbP3E6>